БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил
8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
26 сентябрь
Чоршанба
№ 183 (13.619).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

«Ҳосил—90»

Зарбдор кучлар далада

ФАРҒОНА ноҳиясининг Ленин номли жамоа хўжалиги пахтазорларида асосий зарбдор куч — машиналар аввалги йилга нисбатан анча илгари ишга туширилди. Ўн иккита пахта териш машинаси — хўжаликнинг барча комбайнлари пахтазорларда жавлон урмоқда.

Бу мавсумда пахтакорлар «механик қўллар» ёрдамида икки минг тонна хом ашё, яъни жами ҳосилнинг тўқсон фоизини териб олишни режалаштирганлар.

Теримнинг дастлабки куниданоқ тажрибали механик-ҳайдовчилар А. Бойтўлепов, И. Қодиров, М. Шерматов биринчиликни қўлга киритдилар. Улар ўз «зангори кемалари» бункерларидан ҳар куни саккиз-тўққиз тонна хом ашё тўкишмоқда. Учта терим — транспорт отрядига бирлашган бошқа механизаторлар ҳам илғорлар билан тенглашишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозир ҳар бир машина бир иш кунида саккиз тоннагача пахта термоқда.

— Техниканинг ишга туширилиши — пахта терими ва уни тайёрлаш суръатларини кескин оширишга имкон берди, — дейди хўжалик раиси А. Сатторов. — Ҳозир биз ҳар куни тайёрлов пунктига йиллик планнинг уч ярим фоиздан кўпроғини етказиб беряпмиз.

Жамоа хўжалигида давлат буюртмасини 10 октябргача бажаришни режалаштирганлар.

Икки сменада

БОЕВУТ ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигининг Н. Жабборов бошчилигидаги ижара жамоасида пахта комбайнлари икки сменада ишлатила бошланди. Кўпчилик механизаторлар сменада ўрта ҳисобда 7-8 тоннадан пахта теришмоқда. М. Абдиев билан Б. Маҳкамов эса кунига ўз машиналари бункерларидан тўққиз тоннагача пахта тўкишга улгурмоқдалар.

Ижарачилар даласи хўжаликдаги энг катта ҳисобланади. Бу ердаги пахтазорлар 600 гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган. Барча ҳосил техника ёрдамида териб олинади. Қўл теримига сарф-харажат қилишнинг ҳожати йўқ. Барча машиналарни аввалдан пишиқ-пухта тайёрлаб қўйдилар. Терим даври учун ремонтчилар бригадаси тузилиб, уларни эҳтиёт қисмлар, алмаштириладиган узеллар, асбоб-ускуна ва транспорт билан таъминладилар. Буларнинг ҳаммаси йиғим-терим кўнгилдагидек ўтишидан далолат беради.

Ўтган йили ҳам планни уддалаган ижара жамоасининг бу йилги марраси гектар бошига 30 центер пахта етиштиришдир.

Тажриба ёрдам беради

НАМАНГАНДАГИ Свердлов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари учун бу галги «оқ олтин» мавсуми алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи марта пахта майдонларининг ҳаммасига ингичка тола берадиган чигит экилди. Дадил тажриба бошланди: ундан қандай наф бўлади — вақт кўрсатади. Лекин пахтакорлар муваффақият қозонишга ишонмоқдалар. Бунда илғорларнинг, шу жумладан, қўшни вилоятлар пахтакорларининг тажрибасини ўрганиш қўл келди.

Наманганликлар экиш даври бошланиши биланоқ Сурхондарё вилоятидаги Ильич номли давлат хўжалиги деҳқонлари билан қалин алоқа қила бошладилар. Хўжалик ингичка толали пахта экилиши туфайли фойда оладиган бўлиб қолди.

Наманганлик деҳқонлар сурхондарёликлар ёрдамида мазкур навга ишлов бериш технологияси тўғрисидаги тасаввурларини анча кенгайтирдилар ва энди уларнинг тажрибасини амалда муваффақиятли қўлламоқдалар.

Энг муҳими олдинда

КАРЛ МАРКС номли жамоа хўжалиги теримчилари — М. Ўтанбоева, Ҳ. Қўзибоқарова ва К. Қозоқоваларнинг ҳар бири мавсум бошланганидан бери бир тоннадан пахта териб берди. Шундай чеварларнинг меҳнати туфайли хўжалик пахта териш ва тайёрлашда пешқадамлар сафига чиқиб олди.

Бу ерда техникага асосий эътибор берилмоқда. Хўжаликнинг энг яхши механизаторларидан В. Борода ўз комбайнини биринчилар қаторида далага олиб чиқди. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган пахтакор, ижара шароитида ишлаётган отаси Григорий Самойлович Борода бошлиқ бригадада у ҳосилнинг асосий қисмини териб беришга қарор қилди.

Ҳаммаси бўлиб 20 та пахта териш машинаси далага чиқарилмоқда. Уларнинг ёрдамида ҳосилнинг камида 90 фоизи териб олинади.

Сирдарё вилояти.

(ЎзТАГ).

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти—60 ёшда

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИНИНГ АЛОҲИДА НАМУНА КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти, қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ

Зуев Владимир Ильич — сабзавотчилик кафедрасининг мудири

Шайхов Эркин Турдиевич — ректор

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМИ

Абдуллаев Абдуфаттоҳ Ғуломмаҳмудович — тайёрлов бўлимининг мудири

Абзалов Акмал — ўсимликларни ҳимоя қилиш факультетининг декани

Бикрицкий Владимир Матвеевич — марксча-ленинча фалсафа кафедрасининг мудири

Каримов Элбек Абдужабборович — социализм назарияси кафедрасининг мудири

Лев Василий Тарасович — қишлоқ хўжалиги мелиорацияси кафедрасининг мудири

Маҳмудова Машкура Насимовна — ижтимоий-сиёсий тарих кафедрасининг доценти

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ

Ниёзалиев Ирисали — агрохимия кафедрасининг профессори

Остроухова Серафима Андреевна — мевачилик ва узумчилик кафедрасининг мудири

Третьяков Константин Григорьевич — сиртқи таълим проректори

Шоумаров Хикмат Баҳромович — партия комитетининг котиби, мевачилик ва узумчилик кафедрасининг доценти

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Акбархўжаева Сайёра Фарҳодовна — ўсимликлар энтомологияси ва уларни ҳимоя қилишнинг аралаш усуллари кафедраси катта лаборанти

Омонтурдиев Болқибой Омонтурдиевич — халқаро алоқалар проректори

Бурхонова Раъно Анваровна — институт поликлиникасининг бош врачи

Ғиёзиддинов Зиёвуддин — зооинженерия факультетининг декани

Муҳаммадхонов Санжар — селекция ва уруғчилик кафедрасининг мудири

Расулов Абдулҳақ Абдулфаттоҳович — умумий деҳқончилик кафедрасининг доценти

Ҳакимов Ҳасан — пиллачилик ва тутчилик кафедрасининг доценти

Яшина Тамара Сергеевна — ўсимликлар физиологияси ва биохимия кафедрасининг катта лаборанти

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 24 сентябрь

ХАРИДОРЛАР ЭҲТИЁЖИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Шаҳрихон нон комбинати тайёрлаган янги маҳсулотга «Мойчечак» деб ном бердилар. У харидорлар орасида жуда машҳур бўлиб кетди. Биринчи нав буғдой унидан тайёрланган бир килограммли буханка нон хамирига маҳаллий новвойлар ширинликлар аралаштиришади. У ниҳоятда мазали, кўриниши чиройли.

«Мойчечак» Шаҳрихон новвойлари харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олиб, бу йил ўзлаштирган саккизинчи янгилик ҳисобланади. Ҳозир комбинат жамоаси ўн беш хил нон-булка маҳсулоти тайёрлаб чиқармоқда. Уларнинг бир қисми вилоят маркази аҳолисининг илтимосига кўра Андижон дўконларига келтирилмоқда.

Андижон вилояти.



Норин ноҳиясидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги сут-товар фермасида кўплаб ёшлар меҳнат қилади. Шулардан бири Фаридахон Мамарасуловадир. У ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатгач, фермада қолиб ишлашга қарор қилди. Онаси Мунаввар опа чорвадор. Ёшлигидан онасига қарашиб юриб чорвадорлик касбига меҳр қўйди. Ҳозир ёш чорвадорнинг қарамоғида 40 бош бузоқ бор. Ишидан кўнгли тўқ, мамнун.

Фарида келгусида ўқишни сиртдан давом эттиришни режалаштириб қўйган.

СУРАТДА: Ф. Мамарасулова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БИР МАСКАНКИ, КЎРИБ ҲАВАС ҚИЛАСИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ, ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ РЕКТОРИ ЭРКИН ТУРДИЕВИЧ ШАЙХОВ БИЛАН МУСОҲАБА

— Эркин Турдиевич, биз тарихий сана — Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг 60 йиллик тўйи арафасида суҳбатлашмоқдамиз. Табиийки, тўйда ёмон гаплар айтилмайди. Аммо тўй — бу, ўтган кунларга хотима ясалиб, янгиси бошланадиган шундай бир мўътабар нуқтаки, бундай лаҳзаларда ҳаяжонланмай, юракка эрк бермай илож йўқ. Юрак эса нималарни сўйламайди, дейсиз!

— Ҳа, бугун бизнинг шаънимизга кўп мақтов сўзлар айтилади. Одатимиз шунақа: қувончли кунларда ёмонини яшириб, яхшисини ошириб гапиришга ўрганганмиз. Менга қолса, бу ҳам ўзбекона самимийлик ва эзгуликнинг бир кўриниши. Қолаверса, кейинги пайтларда одамлар ўринли-ўринсиз таънаю-дашномлардан charчашди. Кўнгилни кўтарадиган, кишини руҳлантирадиган сўзларни соғиниб қолдик, очиғини айтсам.

Лекин, менимча, ҳамма нарса меъёрида бўлгани маъқул. Холис баҳо — хоҳ у аччиқ бўлсин, хоҳ ширин — ҳеч кимга зарар қилмайди. Тўғрисини айтганга нима етсин. Бўлар-бўлмасга тажанг бўлавериш, орқа-ўнгига қарамай инкор этавериш билан узоққа боролмаймиз. Ҳадеб сўкаверсак, тўппа-тузук одам ҳам даққи, гап уқмас бўлиб қолади.

Қайта қуриш — бу, қурол эмас, восита. У одамларга ўқталинган милтиқ бўлиб эмас, одамларни — элларни, элатларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштирадиган ришта бўлиб хизмат қилиш керак. Акс ҳолда биз мақсадга эришолмаймиз, бор бисотимиздан ҳам айрилиб қоламиз. Биз талабаларимизга ана шу фикрни сингдиришга ҳаракат қиляпмиз. Улар бизни қўллаб-қувватлашаяпти. Буни уларнинг ўқиши, давомати, хулқи, ўзини тутиши исботлаб турибди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз 60 йиллик тўйимизни кўнгил хотиржамлик ва ўз кучимизга ишонч руҳи билан кутиб олмоқдамиз.

Айтишларича, инқилобдан олдин жумҳуриятимиз ҳудудида атиги 16 нафар агроном бор экан. Улар орасида ўзбеклардан бўлганми, йўқми, бунисини ҳеч ким билмайди. Ҳозир йилига 1,5 минг мутахассис тайёрляпмиз. Олтмиш йил мобайнида олийгоҳимизни қарийб 41 минг киши битириб чиқди. Бу орада 25 минг мутахассис шу ерда ўз малакасини оширди.

Ҳозир Ўрта Осиёдаги истаган илмий-тадқиқот институти ёки олий ўқув юртига бориб сўранг, албатта Тошкент қишлоқ хўжалик институти аспирантурасини битирган, институт илмий кенгашида докторлик ёки номзодлик даражасини олган кишиларга дуч келасиз. Олийгоҳимизда 1932 йилда ташкил этилган аспирантурани 750 дан зиёд киши, шу жумладан 182 чет эллик фуқаро битириб чиққанлиги, илмий кенгашимизда 70 киши докторлик ва 1290 киши номзодлик диссертацияларини ёқлаганлиги ҳазил гап эмас.

— Биз миқдорий сеҳрга берилиб кетмаяпмизмикан? Ахир чет элларда шўро дипломининг қадри йўқ даражадалиги сир эмас-ку!

— Бу масалага қайси томондан ёндашишга боғлиқ. Душманинг сени мақтаяптими, билгинки, қаердадир хатога йўл қўйгансан. Ёмонлаётган бўлса ҳам эҳтиёт бўл — демак, унга ёқмайдиган нимадир яхши ишга қўл ургансан. Бу ерда ҳам шундай. Бошқаларни билмадиму, лекин бизнинг институтни битирганларнинг нолишини эшитганим йўқ, шу пайтгача. Агар шунчалик бўлганда, бизда чет элликлар ўқишармиди? Илк хорижий талаба 1946 йилда келган эди. Шу даврда бу ердан 877 нафар мутахассис етишиб чиқди. Фақат шу йилнинг ўзида 65 нафар чет элликка шўро дипломи топширилди.

Дарвоқе, 1976 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ўқиш муддати 10 ва 5 ойлик БМТ курслари ташкил этилган эди. Шундан бери ўн тўрт йил ўтди. Бу орда Оврўпа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 75 мамлакатидан келган 615 мутахассис қишлоқ хўжалиги ва иқтисодий статистика бўйича ўз малакасини оширди. Бу ҳам тасодифми? Менимча, чет элликлар пулни беҳуда сарфлашмайди. Хориждан бизга келаётган миннатдорчилик хатлари ҳам буни тасдиқлаб турибди. Ҳозир институтимизда чет эллик 274 талаба, 43 аспирант ва 10 тажриба ўрганувчи таълим олмоқда. Норозилик учун уларда ҳеч бир асос йўқ.

— Ўзимизникилар-чи? Ўз талабаларимиз норози бўлишмаяптими?

— Ҳамманинг меҳрини бирдек қозониш қийин, албатта. Лекин биз ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, ётоқхона муаммоси юз фоиз ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳатто оилали талабалар ҳам кўрпа-тўшагини кўтариб, шаҳар кезмайдилар. Ҳар бир оила ёрдамчи хонаси бўлган алоҳида ётоқ билан таъминланган. Бу жиҳатдан институтимиз нафақат жумҳурият, балки иттифоқдаги олийгоҳлар ўртасида ҳам бошқаларга намуна. Маданий-маиший жабҳаларда ҳам талай қулайликлар яратилган. Видеосалон дейсизми, дўкон дейсизми, салқин ичимликлар павильони дейсизми... Хуллас, йигит-қизларнинг қўли узун — қаёққа узатса етади. Чимён тоғ ёнбағрида спорт-соғломлаштириш лагеримиз бор...

— Булар талабаларнинг пухта билим олишига хизмат қилувчи ташқи омиллар, албатта. Ички омиллар ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз.

— Бундан уч йил муқаддам бир гуруҳ талабалар ва ўқитувчилар ректоратга ишлаб чиқариш амалиёти муддатини узайтиришни сўраб киришди. Уларнинг арз-додларини диққат билан тингладик. Гапларида жон бор эди. Шу кунгача мавжуд бўлган ўқув режасига кўра талабалар амалиёти мартдан июлгача давом этганлиги сабабли, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишнинг технологик занжирида узилиш бўларди. Натижада талабалар ўз меҳнатларининг самарасини кўрмасдилар. Амалиётни яна 7 ҳафтага узайтиришга қарор қилдик. Шу тариқа ҳосил пишиғи — сентябрь-октябрь ойларини қамраб олиш имкони туғилди.

Бу мисолни бежиз келтирганим йўқ. Талабаларни ўз ихтисосининг ҳақиқий соҳиби қилиб тарбиялаш учун институтда мавжуд бўлган илмий-техник воситалар ва куюнчак профессор-ўқитувчиларнинг мазмунли маърузаларининг ўзи кифоя эмас. Лаборатория ишлари ҳам ўз йўлига. Муҳими, талаба олган назарий билимини амалда синаб кўрсин. Шундагина унинг кўзи пишийди, хўжаликка борганда эсанкираб қолмайди.

Шу маънода олийгоҳимизда талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этишга катта аҳамият берилаяпти. Улуғ Ватан урушидан кейиноқ талабалар илмий жамияти тузилган эди. Ҳозир унда талабалар конструкторлик бюроси ва 40 дан зиёд тўгараклар ишлаб турибди. 4 мингдан ортиқ талаба ил-

2-бетга қаранг!

БЛКЁИ МНК Бюросида

БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси Бюроси БЛКЁИ XXI съезди номига, БЛКЁИ Марказий Қўмитаси бўлимларига ва бўлинмаларига келган хатлар, аризалар, шикоятлар билан ишлаш натижаларини кўриб чиқди.

Съезд номига келган хатлар ва телеграммаларнинг катта қисми белгиланган тартибларда кўриб чиқилганлиги шубҳасиз.

Шу билан бирга айрим мурожаатномалар эътиборсиз қолдирилган. Сансоларлик фактлари Марказий Қўмита раҳбарияти томонидан етарли баҳо олмаяпти.

Марказий Назорат Комиссияси Бюроси БЛКЁИ Марказий Қўмитасига тартиб ўрнатиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўришни ва пайсалга солишнинг ҳар бир конкрет ҳолларига алоҳида баҳо беришни таклиф этди.

БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси Бюроси БЛКЁИ Марказий Қўмитасига хизмат қилувчи енгил автомобиль транспортидан фойдаланиш юзасидан текшириш натижаларини кўриб чиқди ва енгил транспортга сарф-харажатларни камайтириш, ундан фойдаланишни тартибга солиш, автомобилларни шахсан бириктириб қўйишни бекор қилиш, ҳайдовчиларнинг ишини ташкил этишда меҳнат қонунларига оғишмай риоя этишни зарур, деб топди.

БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссиясининг II пленумини 1990 йил 10 октябрда Москва шаҳрида чақиришга қарор қилди.

Пленумда БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг бўлажак III пленуми муҳокамасига киритиладиган масалалар юзасидан нуқтаи назарларни ишлаб чиқиш, БЛКЁИ МНК Бюросининг ҳисоботини тинглаш, Комиссиянинг кундалик иши масалаларини кўриб чиқиш назарда тутилади.

7 ЁШДАН 70 ЁШГАЧА

Тошкентда жумҳурият миллий У-ШУ Федерациясининг 1-таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда миллий Федерациянинг Устави лойиҳаси тасдиқланди. Ҳамда Федерация президенти сайланди. СССР У-ШУ Федерациясининг биринчи вице президенти Фарҳод Тожибоев Ўзбекистон У-ШУ миллий Федерациясининг президенти қилиб сайланди.

Жумҳуриятнинг барча вилоятларидан вакиллар иштирок этган ушбу йиғинда президент берилган саволларга жавоб берди. Ҳамда ўз программаси билан йиғилганларни таништирди.

Конференцияда вилоятларда ҳам У-ШУ марказларини очиш ҳақида гап борди.

Муҳаммад АМИН.



УМИДИМИЗ КАТТА

Жумҳурият комсомолининг истиқболи ҳар бир йигит-қизни, комсомол аъзосини тўлқинлантираётгани шубҳасиз. Ахир бой берилган ишонч, йўқотилган обрўни мисқоллаб йиғиб олаётган бир кезда унинг тақдири кимни безовта қилмайди.

БЛКЁИ XXI съезди тасдиқлаган Уставга асосан барча иттифоқдош жумҳуриятлар комсомол ташкилотлари федерация субъекти сифатида ўз ҳужжатларига, яъни БЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномасига зид бўлмаган ҳолда ўз Устави ва Ҳаракатномаларига эга бўлишлари мумкинлигига рухсат берилган. Комсомолнинг бутун тарихи мобайнида биринчи бор жумҳуриятдаги комсомол ташкилотининг тақдирини ўзи ҳал этиши ишониб топширилди.

Ҳозирги кунга қадар матбуот орқали жумҳурият комсомоли Устави лойиҳасининг икки хил варианти ва «Жумҳурият комсомоли мустақил ва гуллаб-яшнаган Совет Ўзбекистони тарафдори» Ҳаракатномаси ёшлар муҳокамаси учун ҳавола қилинди. Бугунги кунда жумҳурият комсомолининг эртанги куни масаласи тўлқинлантираётган ҳар бир комсомол аъзоси ва ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирмоқдалар. Вилоятимиз ёшлари жумҳурят комсомолининг янги Устав лойиҳасини маъқуллаш билан биргаликда унга ўз фикрлари ҳамда танқидий мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Жумладан, бизнинг фикримиз шундай:

— комсомол аъзоси ва аъзоси бўлмаган кам даромадли ёшларга моддий ёрдам кўрсатиши керак;

— комсомолга қабулни тубдан ўзгартириш лозим;

— БЛКЁИнинг раҳбар органлари ходимларининг ёши 35 ёшдан ошмаслиги керак;

— комсомол эркин ташкилот бўлиши зарур.

Бундай таклифлар кўп. Энг муҳими ёшлар Ўзбекистон комсомолининг XXIV съездини катта қизиқиш билан кутаяптилар. Жумҳурият комсомолининг фаолиятида муҳим бурилиш бўлишига ишонч билан қарашмоқда.

Жумҳурият комсомолининг Ҳаракатномаси ҳам ҳозирги давр руҳига мос равишда ёзилган бўлиб, унда Совет Ўзбекистони гуллаб-яшнаши учун ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила олишдаги вазифалар хусусида очиқ фикрлар айтилган.

Ҳозирги кундаги асосий вазифа — жумҳурият комсомоли ўзининг Устави ва Ҳаракатномасини тайёрлаб олиш ҳамда уни Ўзбекистон комсомолининг навбатдаги съезди муҳокамасига қўйишдан иборат. Шу боис ноҳия комсомол қўмиталарининг пленумларида муҳим ҳужжат атрофлича муҳокама қилинаётир.

Ўзбекистон комсомолининг навбатдаги анжуманидан умидимиз катта. Ошкоралик, қайта қуриш даврида у илк бор ўзига хос ўзгариш ясайди.

Асқарали ДЕҲҚОНОВ,
Фарғона вилояти комсомол қўмитасининг ташкилий ишлар бўлими мудири.

БИР МАСКАНКИ, КЎРИБ ҲАВАС ҚИЛАСИЗ

(Боши 1-бетда).

мий иш ва ижодкорликнинг турли формаларига жалб этилгандир.

1969 йилдан бери институтда Ижтимоий касблар куллиёти фаолият кўрсатиб келади.

— Пастда, бош бинога кираверишда ёзги сессия якунлари қайд этилган маълумотларга кўзим тушди. Унда айтилишича, умумий ўзлаштириш 96,6 фоизни ташкил этибди. Бу бошқа олий ўқув юртларига нисбатан олганда, кўпми ёки кам?

— Кам, деб айтолмайману, лекин кўп эмаслиги аниқ. Қарздорликнинг эса сабаблари кўп. Ҳар бири алоҳида ёндошишни тақозо этади. Ваҳоланки, институтда яратиб қўйилган шароитга нисбатан олиб қараганда, талабаларимизнинг ўзлаштириши юз фоизни ташкил этиши лозим. Бироқ беш қўл баровар эмас. Ҳар кимнинг қобилияти ҳар хил. Айниқса, биринчи курслар билан ишлаш оғир. Чунки уларнинг аксарияти, баъзи йилларда тенг ярми «уч» баҳолар билан институтга киришади. Мактабларимиздаги ўқитиш савиясини ўзингиз биласиз. Аҳвол ниҳоятда ёмон. То уларни «эпақага» келтириб олгунимизча, бир йил-икки йил ўтиб кетади. Учинчи курсга ўтгачгина ўзларини тутиб олишади. Унгача...

Дарвоқе, иқтидорли йигит-қизларни олиш мақсадида ўтган йили институт қошида лицей формасида мактаб очдик. Унга 8-9-синф ўқувчиларини жалб этганмиз. Ҳозир 100 нафар ўқувчи таълим оляпти. Келгусида ётоқхонаси бўлган 400 ўринли лицей қуриш ниятимиз бор.

— Давр ўқув жараёнига ҳам ўз тузатишларини киритмоқда. Мана, институтлар билан хўжаликлар ўртасида воситa шартномалар тузиш одат тусига кирди.

— Бундан чўчимаслик керак. Хўжалик томонидан ҳар бир талаба учун ўтказилган 3 минг сўм, ишончим комилки, тез орада ўн ва ундан кўп ҳисса бўлиб хўжаликка қайтади. Чунки олий ўқув юрти бу пулни ўқув жараёнини яхшилаш учун, олийгоҳ ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш учун сарфлайди. Ундан яна ўша хўжалик юборган талаба фойдаланади.

— Бадавлат олий ўқув юртида ўқишга нима етсин, денг?

— Албатта-да! Бунга ишонч ҳосил қиламан десангиз, институтимиздаги «Янги техника павильони»ни бир кириб кўринг. У ерда энди бундан 10—15 йил илгаригидек алмисоқдан қолган омочлар кўз-кўз қилинмайди. Ҳали кўпчилик хўжаликларга етиб бормаган энг янги комбайну, тракторлар жой олган у ердан. Ана шундай илғор техника ичида сабоқ олган талаба, эртага мутахассислик дипломини қўлига олгач, унча-бунчага паст кетмайди.

Шу ўринда яна бир гапни айтай. Шартнома билан ўқишга кирган талаба ишлаб чиқариш практикасини ҳам ўз хўжалигида ўтайди. Курс ишлари ва лойиҳаларни, кейинчалик диплом ишини ҳам хўжалик буюртмаси бўйича бажаради. Бу билан хўжаликка институт томонидан методик ёрдам кўрсатилади, талаба эса, хўжалик мутахассисининг бевосита қўл остида тажриба тўплайди. Бунинг эвазига институт хўжалик мутахассисига маош тўлайди. Қисқаси, хўжалик билан шартнома тузиш натижасида бир йўла икки муаммо ечилади: биринчиси, бу битирувчини тақсимлаш бўлса, иккинчиси, унинг борган ерида мустаҳкамланиб қолишидир. Шартнома билан ўқиётган 516 талабанинг дастлабки 90 нафари бу йил ўз хўжалигига ишлаш учун жўнаб кетди.

— Мана, ҳаётимизга ҳар хил ширкатлар, фермер хўжалиги, оилавий пудрат деган тушунчалар кириб келди. Табиийки, замонавий технологияни эгаллаш ва бошқарувни йўлга қўйиш учун муайян ихтисослик бўйича маълумотлар талаб этилади.

— Биласизми, чет элларда қишлоқ хўжалик мутахассислиги бўлмаган кишига ер берилмайди. Негаки, ернинг тилини билмаган одам уни хароб қилади. Шунинг учун бизда ҳам бу масалага жиддий муносабатда бўлиш зарур, деб ҳисоблайман. Улар билан шартнома асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ўйлайманки, бу ҳамкорлик ҳар икки томон учун фойдали бўлади.

— Ўз ҳаққингни талашмасанг, қози ҳам ўз маншатидан ортмайдиган замон бу. Не ҳасратда ўзбек тилига давлат мақомини олган эдик. Аммо бу мақом ўз ҳуқуқини рўй-рост намоён этиши оғир кечяпти. Жойларда сусткашлик сезиляпти. Институтда-чи, бу ерда аҳвол қандай?

— Жумҳуриятимиздаги ҳеч бир институтда биздагичалик туб миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этмаса керак. Бу талабаларимизнинг қишлоқ жойлардан эканлиги билан боғлиқ, албатта.

Ўтган йилдан буён ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатяпти. Ўзбек тилини билмайдиган ўқитувчилар учун курслар ташкил этилди, шунингдек, талабалар учун ўзбек тилини ўрганиш бўйича тўгараклар ишлаб турибди.

Бироқ, биз айрим олийгоҳлардан фарқли ўлароқ, рус тилига бўлган эътиборни ҳам сусайтирганимиз йўқ. Орқада қолиб кетишни хоҳламадик. Иттифоқимиздаги барча қишлоқ хўжалик институтлари дарслик яратиш билан шуғулланади. Биттадан яратганида ҳам, қанча асар бўлади. Уларнинг 80-90 фоизи рус тилида ёзилади. Бу китобларни ўзбек тилига ағдаришга кучимиз, маблағимиз, матбаачилик имкониятларимиз етарли даражадами?

Менинг билишимча, илм байналмилалликни тақозо этади. Тор қобиққа ўралиб, узоққа бориб бўлмайди. Ерда юрсак-да, қирғийдек учағон бўлишимиз лозим.

Модомики, бозор иқтисодиёти остонамизда эшигимизни тақиллатиб турган экан, шунга яраша тадбир кўрмоғимиз даркор. Рус тилини билмасак, инглиз-француз тилларида сўзлашолмасак, японча ўз фикримизни тушунтиролмасак, ҳамма нарса яна эскича, бояги-бояги — бойхўжанинг таёғи бўлиб қолаверади.

Энди биз бошқача яшашимиз керак. Бунинг учун тил билишимиз лозим. Рус тилини, инглиз тилини, араб тилини....

— Яна истиқбол режалари ҳақида ўйлай бошладингиз, чоғи?

— Умидвор одам ҳаётни шундай тасаввур этади. Эртанинг хаёли ҳамиша кишини тўлқинлантиради, ҳаяжонлантиради. Мана, қишлоқ хўжалик институти. Бундан ўн йил муқаддам қандай эди. Бугун қандай! Эртага эса...

Зайниддин РИХСИЕВ суҳбатлашди.

МУАЛЛИФДАН: Инсон фақат меҳнатга туғилган эмас. У яхши яшаши ва муттасил ўз камоли устида изланмоғи даркор. Бунинг учун унга бўш вақт керак. Қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган бугунги меҳнаткаш бундай имкониятга эга эмас. Чунки унинг қўлидан оғир меҳнатини оладиган техника бизда яратилмаган, қолаверса, алмашлаб экиш технологиясига ҳам ҳамма жойда риоя қилинади, деб айтиб бўлмайди. Бундай истиқболсиз аҳволдан қутилиш йўли борлигига ишонасизми! Бу борада қишлоқ хўжалик институтида қандай изланишлар олиб борилятпи!


Эркин Турдиевич бу саволга жавоб қилишга улгурмади. Тўйчилик эмасми уни йўқлаб келишди. Биз хайрлашдик.


Зеро, институт билан танишувимиз давом этади...





Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг 60 йиллик тўйи арафасида махсус сураткашимиз Еркабой БОТИРОВ ўқув даргоҳида бўлди. У объективга туширган лавҳаларда олийгоҳнинг бугунги куни акс этган.







СЕН МЕНИНГ ФАХРИМСАН, ОЛИЙГОҲИМ!

Ҳаммамиз учун севимли ва қадрдон билим даргоҳимиз — Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг юбилей кунларида мен унинг ўтмиши ва ҳозирги кунини таққослагим келади. 30 йилларда ташкил топиб, 60 йиллик шонли йўлни босиб ўтган институтимиз яқин 15, 20 йил ичида қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлайдиган оддий олий ўқув юртидан Иттифоқимизга, қолаверса, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига етакчи мутахассислар тайёрловчи ҳамда илмий тадқиқотлар олиб борувчи етук масканга айланди. Таълим олаётганимга ҳам тўрт йил бўлди. Бу қисқа давр орасида бу ерда бўлаётган ўзгаришлар киши диққат-эътиборини тортмасдан қолмайди.

Олийгоҳ талабалари фаол ҳаётий жараёнга қўшилиб яшайдилар. Уларга қайта қуришга якдиллик билан киришган, изланиб, интилиб фаолият кўрсатаётган комсомол ташкилотимиз бош бўлиб келаяпти. Мен ҳам комсомол аъзосиман. Бу билан фаҳрланаман ҳамда комсомол ўз обрў-эътиборини тиклашига қаттиқ ишонаман. Мен каби келажакка умид билан қараётган комсомол ёшлар эса олийгоҳимизда талайгина.

Ҳ. АБДУЛАҲАДОВ,
олийгоҳнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш куллиёти толиби.

Рақамлар тилга кирганда

● **ҲОЗИРГИ** пайтда институтда 9 та куллиёт бор: агрономия, агрохимия ва тупроқшунослик, мева ва сабзавотчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зооинженерлик, ўрмон хўжалиги, иқтисод ва бухгалтерия. 46 та кафедрада 600 га яқин ўқитувчилар меҳнат қилмоқда, шу жумладан, 30 фан докторлари ва профессорлар, 295 фан номзодлари ва доцентлар; шулардан 28 нафари жумҳуриятимиз фахрий унвонларига эга.

● **КЕЙИНГИ** 15 йил ичида 6 та янги ўқув биноси ва 10 та ётоқхона барпо этилди. Ҳозир ҳамма талабалар, шу жумладан оилалилар ҳам ётоқхона билан таъминланганлар. Талабалар шаҳарчасида янги қишлоқ хўжалик техникасининг кўргазмали павильони қурилди. Асосий кутубхонада ҳозир 1 млн.га яқин ҳар хил адабиётлар бор. Ҳар бир талабага 54 та дарслик ва ўқув қўлланмаси тўғри келади. 1975 йили эса 7 та дарслик тўғри келарди.

● **ИЛМ МАКОНИ**да замонавий ЭҲМ, энг янги компьютерли техникаси бўлган телевизион ва ҳисоблаш маркази мавжуд. Кўп кафедраларнинг лабораториялари замонавий илмий ўқув жиҳозлари билан безатилган. Катта ўқув хоналари овозли аппаратлар билан жиҳозланган, 7 та ёрдамчи ва 16та кафедра дарсхоналари ўқув телевидениеси билан таъминланган, 33 та сабоқхоналарда кинофильм ва диапозитивлар кўрсатиш имконияти мавжуд, 18 та программалаштирилган назорат қилиш синфлари, 10 та лингафон кабинетлари бор. Жиҳозларнинг қиймати 1975 йили 1,3 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 1989 йили 6 млн. сўмдан ошиб кетди.

● **ҲОЗИРГИ** пайтда институт ўз поликлиникасига (тез ёрдам хизмати билан), дорихонасига эга, 2 та ошхона (1000 кишига мўлжалланган), чойхона, озиқ-овқат, саноат моллари ва китоб дўконлари, тайёра билетлари сотиладиган киоска, шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси пункти, почта, маиший хизмат кўрсатиш уйи, сузиш бассейни бўлган ажойиб спорт комплекси бор. Видеосалон ва дискотека, ёшлар қаҳвахонаси ишлаб турибди.

МУНОСИБ СОВҒА

Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳининг 60 йиллик тўйини зооинженерлик куллиёти талабалари муносиб кутиб олиш учун пухта ҳозирлик кўрдилар.

Куллиётимиз олийгоҳдаги энг ёш жамоалардан ҳисобланади. У 1979 йилда ташкил топган бўлиб, унда малакали мутахассис ўқитувчилар — доцентлар З. Ғиёсиддинов, Ф. Жасимов, Мусаев, Тошпўлатов, Мўминов, Тўйчиевлар талабалар эътиборини қозонган. Куллиётимизда байналмилалчи жангчилар ҳам таҳсил олишади. Юбилей арафасида олийгоҳ куллиётлари ўртасида ўтказилган «Дўстлик» фестивалида ҳам зооинженерлик куллиёти фахрли ўринлардан бирини эгаллади.

Тўхтамурод НОМОЗОВ,
олийгоҳнинг зооинженерлик куллиёти толиби.

Хориждан хабарлар

Беназир Бхутто судга чақирилмоқда

ПАРИЖ. (СИТА). Покистоннинг Панжоб вилоятидаги Лохур шаҳри махсус суди мамлакатнинг собиқ Бош вазири Беназир Бхуттога судга келиш учун чақириқнома юборди. Франс Пресс ахборот бошқармасининг хабар беришига қараганда, август ойида тарқатиб юборилган ҳукумат бошлиғи судга 2 октябрь куни келиши, молиявий ҳуқуқбузарликлар, фармойиш беришдаги тартибсизликлар, шунингдек, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш хусусида ўзига қўйилган айблар хусусида кўрсатмалар бериши лозим. Суд идораларининг хабар қилишича, Бхутто, жумладан, Покистон пойтахтида Исломободда меҳмонхона қуриш учун жуда қимматли ер участкасини «таннархидан паст баҳода» сотишга кўмаклашганликда ҳам айбланмоқда.

ХОРВАТИЯДА НАМОЙИШ

БЕЛГРАД. (СИТА мухбири Михаил Овчаренко). Хорватия жумҳурияти пойтахти Загреб шаҳрининг минглаб аҳолиси фашизм қурбонлари майдонига келди. Улар ушбу майдоннинг номини ўзгартириш тўғрисида шаҳар маъмурлари чиқарган қарорга қарши норозилик билдириш ниятидадирлар .Хорватия халқининг гитлерчи босқинчиларга қарши миллий-озодлик уруши музейи зинапоясига гуллар қўйилди, ҳалок бўлганлар хотирасига шамлар ёқилди.

Бир қанча республикачи сўл партиялар, шунингдек, уруш ва инқилоб ветеранлари ташкилоти майдонга янги ном берилиши хусусидаги қарорга қарши намойиш ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Хорватия коммунистлар уюшмаси — демократик ўзгаришлар партиясининг шу муносабат билан эълон қилинган баёнотида фашистларга қарши кураш чоғида ҳалок бўлган юз минглаб кишиларнинг хотирасини сақлаб қолиш, ёш авлодни инқилоб анъаналари руҳида вояга етказиш зарурлиги таъкидланади.

Референдум якунлари

ЖЕНЕВА. **(СИТА мухбири Виталий Макарчев).** Дастлабки маълумотларга қараганда, ядро энергиясининг келажаги ҳақидаги умуммиллий референдум чоғида янги атом электр станцияларини қуришни ўн йил тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги таклифни кўпчилик ўлкалар, шунингдек, умуман сайловчилар қўллаб-қувватладилар.

Швейцариядаги барча атом электр станцияларини ёпишни талаб қилаётган бир қанча жамоат гуруҳларининг атом энергиясидан фойдаланишдан тўла воз кечиш ҳақидаги ташаббуси рад этилди.

Мамлакат парламенти номидан референдумга қўйилган ва хилма-хил энергия манбаларини шу жумладан атом энергияси манбаларини ривожлантириш принципини конституцияда мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этаётган учинчи фикр ҳам ўлкалар ва сайловчиларнинг кўпчилик овозини олди.

Роман телекомпаниясининг хабарига қараганда, референдумда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 40 фоизи иштирок этган.

КЎКАТПАРВАРЛАР ТАКЛИФИ

БУДАПЕШТ. (СИТА мухбири Оқилбек Солиев). «Машинангни бир чеккага қўйиб, бу ёғига пиёда кет» — Венгрия кўкатпарварлар партияси даъватларидан бирини тахминан шундай ифодалаш мумкин. Улар Будапешт ва айниқса, унинг марказий қисми ҳаво ҳавзасини соғломлаштириш юзасидан шошилинч чоралар кўрилишини таклиф этмоқдалар. Уларнинг фикрича, шаҳарда танг вазият вужудга келган. Ҳар йили «истеъмол» қилинадиган саломатлик учун зарарли моддалар қарийб 400 минг тоннани, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса кунига бир килограмм қурум ва бошқа кимёвий чиқиндиларни ташкил этади.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун зарур молиявий харажатларни давлат ҳам, пойтахт хазинаси ҳам ҳозирча кўтара олмайди. Худди шунинг учун ҳам Венгрия кўкатпарварлар партияси анча тез ва катта сарф-харажатларсиз амалга ошириш мумкин бўлган конкрет таклифлар билан чиқди. Кўкатпарварлар машинани қолдириб, буёғига пиёда ёки жамоат транспортида кетиш мумкин бўлган автомобиль турадиган қўшимча жойлар яратиш йўли билан автомобилчиларни шаҳар марказида бирмунча камайтиришни таклиф этишмоқда. Венгрия кўкатпарварлар партияси автомашиналардан чиқадиган тутунни зарарсизлантирадиган махсус асбобларнинг кенг жорий этилишини ҳам самарали йўл деб ҳисобламоқда. Бундай мосламаларни ҳозирнинг ўзидаёқ автодўконлардан бемалол сотиб олиш мумкин.

Кўкатпарварлар мутахассислари пойтахт ҳаво ҳавзасини соғломлаштириш учун шаҳардаги автомобилларни «ёшартириш»ни, шаҳарни иситиш системасини такомиллаштиришни, пойтахтдаги корхоналарни фильтрлар билан жиҳозлаш ва атмосферага чиқариб юбориладиган зарарли саноат чиқиндиларини камайтиришни таклиф қилишмоқда.

Оғир жиноятлар кўпаймоқда

БУХАРЕСТ. **(СИТА мухбир Василий Арбеков).** Сўнгги вақтда Руминияда оғир жиноятлар анча кўпайганлиги қайд этилди. Руминия полицияси қотилликларни текшириш идорасининг бошлиғи Константин Меркурян «Адевэрул» рўзномаси мухбири билан суҳбатда шуни айтди.

Рўзнома маълумотларга кўра шу йилнинг саккиз ойи мобайнида инсон ҳаётига суиқасд қилишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 398 тадан 866 тага қадар кўпайган. Бунда 493 марта қотиллик содир этилган. 247 марта суиқасд қилинган. 126 марта оғир тан жароҳати етказилган ва бу ҳар сафар ўлим билан тугаган.

Мамлакатдаги мураккаб ижтимоий вазият, шунингдек, йил бошида эълон қилинган авф умумий жиноятчиликнинг кўпайиши билан боғлиқдир. Ана шундай авф қилиш натижасида минглаб жиноятчилар озодликка чиқишди-ю, аммо уларнинг кўпчилиги яна қамоқ жазосига гирифтор бўлди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ФИЛЬМНИНГ ТАЪСИРИ

● БИСКАЙ кўрфазидаги Олерон оролида яшовчи ишбилармон Луи Бомье видеосалон ташкил этди. Бомье у ерда фақат қўрқинчли, ваҳимали фильмларни намойиш қиларди. Бир куни бир гуруҳ сайёҳлар фильмни кўришиб бўлгач, кечқурун кинодаги воқеалар домига ғарқ бўлганча ётоқларига қайтишаётганди. Кутилмаганда бир аёлнинг юзига юмшоқ, совуқ, ҳўл нарса теккандек бўлди. Аёл чинқирганча ҳушидан кетди. Қолганлар эса тумтарақай бўлиб қочиб қолишди.

Буни қаранг, кинонинг таъсиридан бўлса керакда, а? Бўлмаса, қоядан қулиб тушган у қурбақадан ҳам тумтарақай қочишадими? — дейилади Франциянинг «Юманите» рўзномасида.

ОДАТДАН ТАШҚАРИ ЧАҚИРИҚ

● МЕХИКО ҳукумати шаҳар аҳолисига одатдан ташқари чақириқ билан мурожаат этди: «Жисмоний тарбия машқларини бажаришдан ўзингизни тийинг, соғлиғингизга зарар». Йўқ, у сиз ўйлаганчалик ҳазил эмас, чин. Сабаби йирик шаҳар осмонида доимо улкан смог (тутун, қурум, кул заррачалари, чанг, ёнилғи буғи каби аралашмалардан иборат заҳарланган ҳаво) булути «осилиб» туради. Шунинг учун ҳам очиқ ҳавода жисмоний машқлар бажариш, югуриш тавсия этилмайди. Чунки машқлар бажарганда одамнинг нафас олиши тезлашади. Натижада ҳаводан заҳарланиши турган гап.

Табиблар одамларга деразa ва эшиклари зич ёпилган хоналарда спорт билан шуғулланишни уқтиришмоқда. Уларнинг таъкидлашича, Мехико кўчаларида кун бўйи юриш 40 дона сигарет чекиш билан баробар экан.

АТИГИ 7 СОАТДА

● ИТАЛИЯЛИК 85 ёшли альпинист Якобо Лунисио Алп тоғларидаги Маттерхорн чўққисини атиги 7 соатда забт этди. Чўққининг баландлиги 4477 метрни ташкил этади. Якобо бобо тажрибали тоғшунос бўлиш билан бирга спортчи ҳамдир. У 60 йил альпинизм билан, шунингдек, 70 йил чанғида учиш билан шуғулланган.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Маҳмуд Хўжа Беҳбудий

Маълумки, 20-30-йилларда Қарши шаҳри Беҳбудий номи билан аталган. Бироқ Сталин ўтказган қатағон айни кучайган пайтда, яъни 1937 йилга келиб, бу ном бекор қилинди ва халқнинг хотирасидан чиқариб ташлашга уриниш бўлди. Бу бежиз эмас эди, чунки ўз вақтида Беҳбудийдан, унинг маърифатчилик фаолиятидан Туркистон генерал губернатори ҳам жуда чўчиб, унга айғоқчилар тайинлаган эди.

Чор подшосининг «назарига» тушган бу киши ким эди?

Маҳмуд Хўжа Беҳбудий 1875 йилда Самарқанд шаҳрида муфтий оиласида дунёга келди. Ўқимишли зиёлилар оиласидаги муҳит ўзидаги илмга, адабиётга, сиёсатга бўлган қизиқиш уни янги-янги китоблар мутолаа қилишга ундар, ўз даврининг илғор фикрли кишилари билан учрашувлар эса дунёқарашини кенгайтириб, бойитиб борар эди. Отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис ҳисобланиб, ўзининг бир қанча китоблари, рисолалари билан машҳур бўлган. Бу эса Маҳмудга ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Кейинчалик у ўз мақоласида отаси таҳсил берган «Ҳидоя» (Ислом ҳуқуқига шарҳлар) унинг ўлка давлат тузумини ўрганишида катта роль ўйнаганлигини таъкидлайди. Беҳбудий адабиёт, тарих билан бирга сиёсатшунослик билан ҳам шуғулланар, турли рўзномалардан жаҳонда рўй бераётган сиёсий ўзгаришлар билан танишиб борарди. У Маккага бориш учун бир неча йил жиддий тайёргарлик кўради, араб тилини ўрганади, ислом назариялари билан танишади, Ҳажни ўзи учун етуклик имтиҳони деб билади ва ниҳоят 27 ёшида Маккада бўлиб, муқаддас жойдан ҳожи ва муфти унвонлари билан қайтади. (Кейинчалик Маҳмуд Хўжа Беҳбудий тарихга, адабиёт ва жуғрофияга оид илмий асарларини чоп этишни йўлга қўяди). Туркистон халқларига маърифатни, жаҳон маданиятини тарғиб этиш ва элас-элас содир бўлаётган сиёсий чиқишларнинг сабабини билиш ниятида Қозон ва Уфа шаҳарларига йўл олади. Россиянинг мусулмонлар истиқомат қиладиган бу жойларида Оврўпо маданиятини яхши биладиган зиёлилар анчагина эди, маълумки, қадимдан ўлкамизнинг зиёлилари татар, бошқирд зиёлилари билан яқин бўлганлар.

Таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг охирларида Петербург, Қозон, Оренбург, Боку, Тифлис, Темир-хон-шура, Боғчасарой ва Тошкент шаҳарларида араб имлосида босмахоналар бўлган. Масалан, 1911 йилда дастлаб Қозон шаҳрида Муса Бигеев томонидан Қуръон араб тилидан татар тилига таржима қилинади, бироқ бу уриниш унча муваффақиятли чиқмайди, 1914 йилда Муҳаммад Комил Тухватуллин томонидан қилинган Қуръоннинг тўла таржимаси юқоридаги босмахоналарда бир неча бор чоп этилади. Шунингдек Оренбург, Қозонда араб имлосида бир қанча рўзнома, жаридалар ҳам чиқар эди. Маҳмуд Хўжа улар билан ижодий ҳамкорлик ўрнатиб қайтгач, ўзининг турфа мақолаларини ана шу жарида ва рўзномаларда эълон қилди. Бу мақола ва хабарлар Туркистон халқларининг сиёсий ва маънавий мустақиллигига, маорифига, маданияти муаммоларига бағишланган эди. Шунингдек, бу жойларда Туркистонга нисбатан инқилобий чиқишлар, сиёсий кўтаринкилик ҳам анча кучли эди. Маҳмуд Хўжа ҳам сиёсий қарашларининг шаклланишида Қозондаги турли фирқалар вакиллари билан мулоқотлари катта роль ўйнади. Кейинчалик Беҳбудийга, айниқса ўша пайтларда Россияда энг оммавий ҳисобланган, 100.000 га яқин аъзоси бўлган халқ озодлиги — кадетлар фирқасининг ҳаракатномаси билан танишишга, шу фирқанинг аъзолари билан учрашишга муяссар бўлди. Ҳаракатноманинг асосий ғояси — бошқа сиёсий фирқалардан фарқли ўлароқ Россияни зўравонликсиз, тинч либерал парламент ислоҳотлари йўлидан олиб бориш, маҳаллий органларни ўз-ўзини бошқарувга ўтказиш, суд ислоҳотини ўтказиш, ошкоралик, ҳимояни дастлабки терговдаёқ киргизиш, ўлим жазосини бекор қилиш, сўз, виждон, матбуот, йиғилишлар эркинлиги, шахс ва уй-жой даҳлсизлиги, паспорт системасини бекор қилиш сингари демократик талаблар эди. Беҳбудий ўзининг мақолаларида, чиқишларида мана шу ғояларни Туркистоннинг хусусиятларини инобатга олиб, ижодий ривожлантира олди ва кенг тарғиб этди, бунинг учун унга маломат тошлари ёғилди. Вужудга кела бошлаган янги сиёсий фирқалар, гуруҳлар фаолиятида демократик талабларни асос қилиб олсаларгина халқнинг хоҳиш-иродаси бажарилади деб қайта-қайта таъкидлади, уни ҳаётга татбиқ этишга интилди.

1910 йиллардан бошлаб ўлкамизда Шўрои Исломия, Уламо, Адолат, Ёш бухороликлар, Ёш хиваликлар, сўл эсерлар сингари фирқалар вужудга кела бошлади. 1912—1913 йилларда у Самарқандда дўстлари билан «Самарқанд» рўзномасини, «Ойна» жаридасини (45-сонда тўхтаган) таъсис этадилар. Қисқа муддатда ўз ўқувчилари ўртасида оммалашиб кетади, бироқ моддий базанинг заифлиги туфайли бу нашрлар ёпилади. Беҳбудий китоб мутолаа қилишни ўзининг энг севимли машғулоти деб билиб, қаёққа борса дастлаб қироатхона, китоб дўконларида бўлиб, албатта янги китоблар олиб ўзининг кутубхонасини бойитар эди. Унинг «Доимо китоб мутолаа қиладиган киши ҳеч қачон жоҳил бўлмайди» деганида нақадар ҳақ эканлигини ҳозирги бизнинг кунларимиз ҳам тасдиқлайди.

Менимча бизда содир бўлаётган салбий ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ҳам кўпчилик ёш китобхонларимизнинг китобга нисбатан муҳаббатининг сўнганлигидан, ўзининг тарихидан, келиб чиқишидан хабарсиз эканлигидан, деб ўйлайман. Беҳбудий 1914 йил Туркия, Миср сафарларида бўлиб, ўзи билан бирга Самарқанд кутубхоналари ва мактаблари учун қимматли китоблар ва ўқув қўлланмалари олиб келади. Янги усулдаги мактаб лойиҳаси устида ишлаб, уни маорифчилик муҳокамасидан ўтказади. Албатта, унинг бу ҳаракатлари осонликча кўчгани йўқ, чаласавод муллалар унга «жадидчилар раҳнамоси», деб, мунофиқ, даҳрий деб тамға қўйдилар. Авлоний таъкидлаганидек, «бой ва уламолар» «жадидчи»ларга қарши, «жадидчилар» бой уламолар ҳамда эскилик ва хурофотга қарши курашиб келдилар.

Дастлаб жадидчилик (жадид — янги деганидир) ҳақида татар халқининг мутафаккири Исмоил Гаспринский ўз фикрини билдирибгина қолмасдан, атрофига хайрихоҳларни тўплаб, Турон халқларини маърифатли қилиш, улар ҳаётларининг ҳамма соҳаларига янгилик олиб кириш ҳаракатига бошчилик қилган. Беҳбудий ҳам Гаспринский таълимотини улуғлаб, ўлкамиз шароитида уни амалга ошира бошлаган эди. Умуман, ўлкамиздаги илғор фикрли, халқининг эзгу келажаги учун ўзини бағишлаган Беҳбудий сингари улуғ зиёлилар жадидчилар деб яқин-яқинларгача қоралаб келинди. Тарихимизда оқни қора қилиш осонлик билан амалга ошириб келинганлигини билмоқдамиз. Туркистонлик зиёлиларга кимлар маломат тошини отмадилар?! Улар эса мустаҳкам эътиқод, кучли ирода билан, халқига собит ишонч билан суяндилар, эгилмадилар, букилмадилар, ўлимга ҳам тик бордилар. Тўғри сўз, ҳалол, покиза бўлганлари учун ҳам улардан чўчидилар, қўрқдилар, халқ ичидаги обрўларига ҳасад қилдилар, кўра олмадилар, ғоявий хато қидирдилар, айғоқчилар қўйдилар, панадан туриб ғирромларча тўҳматлар, бўҳтонлар уюштирдилар. Чунки миллий зиёлиларимизга халқнинг назари тушган эди, уларга нисбатан ғаламисликлар узоқ вақт давом этди. Бу касалликни таг-томири билан ҳалигача тугата олганимиз йўқ деб ўйлайман.

Баланд бўйлик, келишган, юзидан зиёли нур ёғилиб турган Беҳбудий юксак маданият соҳибигина бўлиб қолмасдан, умуминсоний маданиятнинг оташин тарғиботчиси ҳам эди. У бир неча тилларни мукаммал ўрганган, ўзлаштирган эди.

Беҳбудий ўзини драматургия соҳасида ҳам синаб кўрди. Унинг «Падаркуш» деган спектакли жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинган эди. Спектаклдаги асосий ғоя — ҳар томонлама халқни маърифатли қилиш, туркистонлик ёшларни Оврўподаги энг яхши олий ўқув юртларида ўқитиш муаммоси ҳам кўтарилган бўлиб, бу ғоянинг ҳозирги кунимизда ҳам долзарблиги яна бир карра Беҳбудийнинг улуғ, узоқни кўра билувчи ҳақиқий зиёли эканлигидан далолат беради. Бу спектаклга ўз пайтида АҚШда ҳам қизиқиш бўлган ва Калифорния дорилфунунида таржима қилинган эди.

У дўстлари Мардонқул Шомуҳамедов, Муҳаммадқул Ўринбоевлар билан бирга Самарқанддан Боку томонга сафарга отланади. Бу сиймолар халқ орасида камбағал болалар учун бор бисотларини сарфлаб, ёнларидан мактаб очган кишилар эди. Уларга «маҳаллий буржуазия», «майда буржуазия», «миллий буржуазия» вакиллари деган ёрлиқлар ёпиштирилган. Мантиқни қаранг, ёнидан камбағал болаларга нафақат савоб учун, балки уларга келажакда ўқимишли, маданиятли бўлиб етишиш учун шароит яратсалар, «буржуазия» бўлиб қолар эмиш?! Мингларча афсус ва надоматлар бўлсинки, бу уларнинг охирги сафарлари бўлиб, ундан қайтмадилар. Архив ҳужжатларида бу сафар мақсади ҳақида икки хил фикр бор. Бири улар Ленин билан учрашувга отланганлар дейилади, иккинчисида Стамбулга бориб, биродарларига Туркистонда бўлаётган воқеаларни сўзлаб бериш, янги шароитда ишларни режалаб олиш мақсад қилинган дейилади.

Бизнингча кейингиси тўғри. Уларнинг йўллари Шаҳрисабз, Қарши — Чоржўй, Ашхобод, Боку орқали Туркияга олиб бормоғи лозим эди. Маълумки ўша пайтлар Шаҳрисабз, Қарши бекликлари Бухоро амирлигига қарашли бўлган. Сайёҳлар Шаҳрисабзга етиб келиб тушишлари билан миршаблар томонидан ушланиб, турмага ташланадилар. Бир неча кунлар мобайнидаги азоб, қийноқлар, камситишлар амирнинг маҳаллий гумаштагалари учун кам кўринади. Қарши беги Тоғай тутқунларни ўзининг зиндонига келтириб, Саид Олимхоннинг топшириғини «қойилмақом» қилиб амалга ошира бошлайди. Маҳбусларни Бухородаги инқилобий кучларга хайрихоҳликда айблаб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоблар беради, бироқ уларни эътиқодларидан қайтара олмайдилар. Беҳбудий турмадан озодликдаги дўстларига хат чиқаришга муваффақ бўлади. Бу унинг дўстларига васияти ҳам эди. Унда дўстларини иноқ бўлишга чақиради, кучларини халқнинг маърифати йўлига ишлатишни сўрайди. «Биз ўз тақдиримизни билиб турибмиз, хотиржам туриб охиратимизни кутмоқдамиз, жонимизни, ҳаётимизни халқимиз маърифати йўлига бағишлаганлигимиз билан таскин топмоқдамиз. Ўлимимиз учун энг яхши қасос мустабид тузумни ағдариш, амир зулмидан эзилган бухороликларни озодликка чиқариш бўлади. Бизга энг яхши ёдгорлик ўлкамизда кўп сонлик мактабларнинг очилиши ва халқнинг маърифати йўлидаги иш бўлади».

Жоҳил бек Тоғай мадорсиз Беҳбудий ва унинг шерикларига ўзлари учун қабр кавлаттиради, сўнгра бошини танидан жудо қилиб, кўмдириб ташлайди.


Бир ярим йил мобайнида уларнинг ўлими тафсилотлари сир сақланади, Бухоро амирлиги емирилгачгина, 1920 йил 27 сентябрида Самарқанд Эски шаҳар маданият ва маориф ташкилотининг ташаббуси билан (эътибор қилинг, тергов органларининг эмас) Фавқулодда йиғилиш чақирилиб, бу мудҳиш ўлим сабабларини аниқлаш учун 5 кишидан иборат махсус тергов комиссияси тузилади, унинг таркибига Абдуқаюм Ширинбоев, Эргаш Орифбоев, Раббимқул Солиҳов, Қўқонбой Абдуҳолиқов ва Абдумажид Зокирийлар киритилади. Комиссияга қотилларни топиб, қонуний жазога тортиш, қабрларни топиб, Самарқандга кўчириш вазифалари юкланади. Шунингдек, Ҳайдарбек Абдусаидбеков, Мирзооллоқули Абдуллаев, Абдураҳмон Фозилжонов, Муллаҳамро Йўлдошев ва Исматулло Раҳматуллаевлардан иборат махсус хотира комиссияси ҳам тузилиб, улар зиммасига тергов комиссияси йўл харажатлари, ҳайкал ўрнатиш учун халқдан ихтиёрий пул жамғармаси йиғиш вазифалари юкланади. Аҳамият беринг-а, давлат маблағи бу савоб ишларга ҳам сарфланмаяпти. Бизга ҳайкал тақдири ҳам ҳозирча қоронғу бўлиб турибди.

Эндиги вазифамиз у кишининг танланган асарларини алоҳида китоб ҳолида чоп этиб, жиддий ўрганиш, бу табаррук инсон номини жумҳуриятимизда абадийлаштириш, ҳайкаллар ўрнатиш, номини кўча ва майдонлар, мактаб, ўрта махсус, олий педагогика ўқув масканларига бериш пайти келди. Ўзбек олимлари, ёзувчи, маорифчилари, умуман зиёлиларимиз Беҳбудий таъкидлаганидек, халқимизнинг ҳар томонлама мустақиллиги учун бирлашиб ҳаракат қиладиган пайти келди. Шунга амалда эришсаккина у кишининг руҳларини шод айлаб, васиятларини бажарган бўламиз.

Шуҳрат ОЧИЛОВ,
тарих фанлари номзоди, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат дорилфунуни докторанти.

Мавзуга қайтиб

«ОЧЛИКНИ



ТЎХТАТГАНИМ ЙЎҚ»

Чамаси соат ўн эди. Ишлаб ўтирувдик. Телефон жиринглаб қолди. Дастакни кўтардим. Аёл кишининг овози. Мени сўраяпти. Суҳбатдошимга қулоқ тутаман.

— Маъмура Ҳожимуҳамедоваман. «Ёш ленинчи»нинг 1990 йил 5 сентябрь сонида чоп этилган «Ертўладаги етмишинчи оқшом» сарлавҳали мақоланинг якунига тушунмадик. Турмуш ўртоғим — Ақойиддин акамла очликни тўхтатганлари йўқ. Нега ундай деб ёздингизлар?

Томирларим музлаб кетди. Қандай қилиб чалғиганмиз. Наҳот адашдик. Шоша-пиша «Тошкент оқшоми» рўзномасининг 1990 йил 1 сентябрь сонини варақлайман.

Шу ўринда яна бир тушунтириш. Ушбу рўзноманинг 1990 йил 31 август сонида «Энди ўрнингиздан туринг, Оқойдин!» мақоласи чоп этилган эди. Биз келтираётган кўчирма шу даъватнинг қабули гўё. Уни тўлалигича келтирамиз.

ОҚОЙДИН: «ДАЪВАТИНГИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛАМАН»

«Камина тўғрисида очиқ ва аччиқ ҳақиқатни ёзганларингиз учун минг бор ташаккур! «Энди ўрнингиздан туринг, Оқойдин!» дея менга қаратиб қилган даъватингизни қабул қиламан. Аммо, бугуноқ ўрнимдан туриб кетолмайман, қувватим йўқ. Дарҳақиқат, биз бошлаган курашда энди тўшакда ётиб ғалабага эришиб бўлмайди.

Азиз «Оқшом»чилар, адолатни ошкора қилганликларинг учун қўлимни кўксимга қўйиб, Сизларга катта раҳматлар айтаман.

Мени ўз ҳимоясига олган суюкли рўзномамиз ижодкорларига, у орқали шаҳар партия комитетидаги инсонпарварларга, шундай оғир дамларда ҳолимдан хабар олиб турган дўстларим, сафдошларим, ёру-биродарларим ва қариндош-уруғларимга самимий миннатдорчилик изҳор қиламан!

ОҚОЙДИН.
«Чорвадор» ширкатининг раиси».

Хўш, аслида воқеа қандай бўлган эди? Яхшиси Ақойиддин Ҳожимуҳамедовнинг бизга йўллаган хатига эътиборни қаратамиз. У 12 сентябрда ёзилган.

«Мана ҳозир узлуксиз эълон қилинган очликка ҳам 85 кун бўлди. Шу кунлар мобайнида раҳбарлардан кўплари келиб, томоша қилиб, ваъдалар бериб кетишаяпти. Ҳали ҳам ҳеч қандай натижа йўқ. «Тошкент оқшоми» рўзномасидан мухбир келиб, ширкатингиз томонидан ерга қилинган харажатларингизни Қозоғистондаги давлат хўжалиги тўлайдиган, Калинин ноҳия ижроқўми сизларга узоқ муддати билан ер ажратиш учун қарор чиқарадиган бўлди, деб 1990 йил 31 августда ёзган мақолани ўқиб берди. Сўнг очликни тўхтатсангиз деб, ишонтирдилар. Мен уларга мақола учун миннатдорчилигимни билдирдим. У бу миннатдорчилигимни қоғозга тушириб беришимни сўради. Шунда мен: «Ака, мен эълон қилган очлик анчага чўзилиб кетди. Майли, мен сизга ишондим. Қозоғистон пулни ўтказиш, Калинин ноҳия ижроқўмидагилар ер беришга қарор чиқаришларига барибир уч-тўрт кун вақт кетади. Мен ўрнимдан ҳозироқ туриб кетолмайман. Сизга ишонган ҳолда мени уч-тўрт кун ичида ташқарига олиб чиқишларини албатта шифокорлардан илтимос қиламан. Даволанишни бошлаб, қувватга киришга ҳаракат қиламан, дея тушунтирдим. Кейин эса ҳолим келмагани сабабли рафиқамга рўзномага раҳматнома ёзиб беришлигини айтдим.

Болаларимнинг онаси қувонганидан бўлса керак, юқорига чиқиб нима бўлса ёзиб берган. Билмадим, қувонганимданми, ҳақиқат юзага чиқибди, деган ишончданми, ҳарқалай кўзимда ёш, бошимга оғриқ туриб гаранг бўлиб қолган эдим.

Хуллас, раҳматномани ўқиб мамнунлик ишорасини билдириб, имзо чекдим. Мухбир менга бу раҳматномани ер олишимга қарор чиқиб, Қозоғистон пулни ҳисобимизга ўтказгандан кейин албатта рўзномамизда эълон қиламиз девди. Буни қарангки, яна мени алдашди. Эртасигаёқ худди бир ноёб нарсани ёзгандек реклама қилишди. Мен уларга миннатдорчилигимни очликни тўхтатдим, энди ҳаммага жар солинг деб ёздиртирган эмасдим-ку. Ҳақиқат эса ҳануз ертўлада, очликни тўхтатмай мадад кутиб ётибди».

1990 йил 13 сентябрь. А. Ҳожимуҳамедовнинг ертўладаги 86-оқшоми. Очлик эса тўхтатилгани йўқ. У ҳамон нажот кутади. Шу кун туни билан тўлғаниб чиқди. Азоб бераётган буйраги оғриғига чидолмай. Тана ҳарорати эса меъёридагидан паст. Аслида 36,6 бўлиш ўрнига 35,2 даражага тушиб қолган. Қон босими эса кунба-кун юқориладийди.

14 сентябрь. Қозоғистондан бир гуруҳ меҳмонлар келишди. Улар «Қозоғистон ССЖ 40 йиллиги» давлат хўжалиги директори В. Мухин, хўжаликнинг мутасаддилари — бош ҳисобчи Сайфуддин Қайроқбоев, бош иқтисодчи А. Колатоев, бош агроном Э. Дорбоевлар. Ниятлари эса масалага ечим топиш ҳамда Ақойиддиннинг аҳволидан бохабар бўлиш.

В. Мухин сўзи:

«— Бизда янги ноҳия ташкил этилди. Илгари Сариғочга қарардик. Сўнгра ҳудудимиз Келес ноҳияси измида бўлди. Ўзгаришлар дегандек. Ҳар қалай ижроқўмнинг янги раиси ерларни четдаги ижарачиларга беришни тўхтатиш ҳақида кўрсатма берди. Наилож. Мен уни ўзгартиролмасдим. Ҳам халқ подасига яйлов сўраб тургач, нима ҳам қила оласан. Шулар «Чорвадор» билан шартномани бузишга омил бўлди.

— Энди нима қилмоқчисиз? — сўраймиз ундан.

— Эндими? Суд нима деса шу. У барча харжларни тўлашимизга ҳукм чиқариб берадими ёки 50 минг, 100 мингини бер дейдими. Қонуннинг айтгани бўлади.

Ертўла. Димоғимга ўша қадрдон ҳид урилади. Манзарасиям эскича. Ҳеч бир ўзгаришсиз. А. Ҳожимуҳамедов шипга термулганича, ҳасратини айтади. Бу гал В. Мухинга.

— Виктор Фёдорович! Мен тиланчи эмасман. Қонунда бўлса, пулимиз, еримизни беринг, йўқса керак-мас. Қайтармайсизми, рад этганлигингиз ҳақида ёзиб, муҳр босинг. Бизнинг талабномамиз пастига. Ўшанда харжларни мамлакат президенти тўлайди. Чунки, ижара, ер тўғрисидаги қонунлар у одам берган фикр. Мен давлатимиз бошлиғининг айтганини қилиб шу кўйга тушдим. На пулим, на ер бор. Ҳаммасидан ажрадим.

Кўнглингизга келмасин-у, Виктор Фёдорович, бир гапни айтаман. Сизга инсон сифатида ҳурматим бор. Афсуски, йўлимиз бошқа-бошқа. Мен мана бу қоронғуликда одамгарчилик, сиз эса қонун учун курашасиз.

Гапнинг индоллосини айтганда, масала ҳамон чигал. Гап-сўздан нари ўтилгани йўқ. Унинг ечими топилмаяпти. Яширишнинг ҳожати йўқ. Қозоғистонликларнинг келишлари кишига илиқлик улашади. Харжни тўлашга келганда эса ҳамон баҳс, мунозара. Ечим топилмаётибди.

Баъзиларни ишонтириш қийиндир, инсонни 100 кун оч ётишига. Аммо бу бор гап. Исбот келтираман. А. Ҳожимуҳамедов олти йилдан бери гўштли овқат, гўшт, тухум тановвул қилмайди. Ўзини шунга кўниктирган. Уни биладиган жами ошна-оғайнилари бундан бохабар. Аввало инсон танидаги мослашув, сўнг ирода, ёруғликка ташналик Ақойиддинни суяб турибди. Унга қандай ёрдам берсак бўлади?

Тошкент Давлат дорилфунунининг толиби Рашид Эшмирзаевнинг хатидан жавоб топгим келади, бунга. **Наҳотки биз бир инсонни художўй мусулмонни балоқазодан асраб қололмаймиз. Давлат хўжалиги «Чорвадор» жамоасини шунчалар лақиллатиб, умидини сўндирган экан, томошабин бўлиб ўтираверамизми?**

Бир таклифим бор. Жамоатчиликка маъқул тушар деган умидда ёзаяпман уни. Рўзномада «Чорвадор» ширкатининг банк ҳисобини эълон қилсангизлар. Баҳоли қудрат ҳиссамизни қўшсак. Токим бир юртдошимиз — ўзбек ўғлони болаларининг бахтига, юрт бахтига омон қолсин».

Муштарийлар илтимосини қондиришга мажбурмизда. Мана ширкатнинг макони: **Тошкент вилояти, Калинин уй-жой ижтимоий банки, ҳисоб рақами 005461076. «Чорвадор» ширкати.** Фақат бир илтимос. Кўмак берганлар пул ўтказганлари ҳақидаги қоғозни бизга йўлласалар. Ўз навбатида уларнинг иш, яшаш жойларини эълон қилиб борамиз.

Ўз ҳимоянгга олганинг — биров ҳам сенга бора-бора қадрдон бўлиб қоларкан. Унинг тақдири устида бош қотираркансан. Туғишганингдек. Мениям А. Ҳожимуҳамедовнинг эртаси ўйлатиб қўйди. Очиқ гап унинг аҳволи оғир. Саломатлиги ёмон. Тунов куни бутун оила оёққа турди. Тунда бошланган юрак хуружи эрталаб ҳам тингани йўқ. Ақойиддинга қўшилиб болалари, қариндош-уруғ, таниш-билишлари нола чекади. Уни бу дарддан наҳот Сиз, биз ҳаммамиз асраб қола олмаймиз?

Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Муҳаммад АМИН суратга олган.

* * *

МУАЛЛИФЛАР СЎЗИ: биз ҳам мақолага бериладиган қалам ҳақини Ақойиддинга кўмак жамғармасига ўтказишга аҳд қилдик.

Ҳодиса

Қорақалпоғистондаги Манғит марказий ноҳия касалхонасида беморлар сони бирданига 24 кишига кўпайди. Бу ердаги Гагарин номли мактабнинг 1—7-синф ўқувчилари бўлган бу беморларга овқатдан қаттиқ заҳарланган, деган диагноз қўйишди.

Масъулиятсизлик оқибати

Бу мактаб ошхонаси учун манғитлик новвойлар тайёрлаган гўштли нонни тановвул қилиш оқибатида содир бўлди.

Энди мактаб педагоглар жамоаси ва ота-оналар болаларни сифатсиз овқатлардан қандай қилиб асраш лозимлиги ҳақида, нон маҳсулотлари бошқармаси навбатдаги «ишларни яхшилаш тадбирлари» тўғрисида, терговчилар эса шу муносабат билан қўзғатилган иш устида бош қотирмоқдалар.

В. ЛУЦЕНКО,
(ЎзТАГ мухбири).
Амударё ноҳияси.



Андижон вилояти Москва ноҳиясидаги «Октябрь 60 йиллиги жамоа хўжалигида меҳнаткашларга зарур маиший-маданий хизмат кўрсатиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур жамоа хўжалигидаги Қизил байроқ қишлоғида «Кўнгил» деб номланган тикувчилик цехи мавжуд. Бу ерда ҳозир 12 нафар ёшлар меҳнат қилишмоқда. Хўжалик раҳбарлари қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, қишлоқлар аҳолиси талаби асосида уларни турли кийимбошлар билан таъминлаш учун ҳаракат қилаётирлар. «Кўнгил» цехида меҳнат қилаётган чеварлар келин-куёвлар учун никоҳ либослари, жамоа хўжалиги аъзолари буюртмалари асосида кийимлар тикиб уларни мамнун этаётирлар.

СУРАТДА: цехда иш қизғин.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Янги нашрлар

Оила фанининг ноёб дурдонаси

Оила муқаддас. Унинг маънавий юксаклигига сайқал берувчи нодир ғоялар ўзбек халқ поэтик педагогикасида, Ўрта Осиё ва Шарқ мутафаккирлари олим ва педагоглари асарларида алоҳида ўрин эгаллаган.

Кайковуснинг «Қобуснома», Ибн Синонинг «Тадбири манзил», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул Қулуб», А. Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ» каби асарлари оилавий ҳаётнинг мазмуни, бола тарбиясида ота-онанинг бурчи, муносабати ва вазифаларини ўлмас ғоялар билан асослаганлар.

Жумҳуриятимизда таниқли педагогика фанининг онахони Ойша Тўраева қаламига мансуб бўлган «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» номли ўқув қўлланмаси нашр этилди. Қўлланмада ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи халқ тажрибаси асосида ёритилади. Унда муаллиф ўзбек халқи яратган бой педагогик меросни амалга ошириш йўлларини излаган ва ундан ўринли фойдалана билган.

Қўлланмада назарий дидактик билимлар билан бирга ёшлар билан уюштириладиган баҳс мавзулари ва уни уюштириш йўллари муваффақиятли баён этилган. Баҳс учун танланган «Қиз шаъни ва йигит ғурури», «Севги-муҳаббат инсоннинг ноёб туйғуси», «Ўртоқлик ва дўстлик» каби темалар ёшларга оилавий ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини такомиллаштириш имконини беради.

Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси қўлланмаси оила педагогикасини назарий ва амалий жиҳатдан бойитади.

Муаллиф кўп йиллик тажрибаларига суянган ҳолда қиз ва йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг назарий ва амалий асосларини ўзбек оиласининг ўзига хослиги билан боғлай олган.

Ойшахон Тўраева яратган қўлланма жумҳуриятимиздаги ёшларни оилавий ҳаётга тайёрловчи муҳим дастурдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мазкур қўлланма ҳозирги кунда долзарб масалага, инсонни ҳаётга тайёрлашда ота-онанинг масъулияти масаласига бағишланган.

Шу билан бирга мазкур қўлланмада оилада болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ва касб танлашга йўллаш масалаларига батафсилроқ тўхталса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

О. ҲАСАНБОЕВА,
К. ХОЛИҚБЕРДИЕВ,
Тошкент Давлат педагогика институти доцентлари.

Балиқчида катта байрам

29-30 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Одатдаги кунларнинг бирида редакция биносига Балиқчи ноҳияси комсомол қўмитасининг саркотибаси Матлубахон Халилова кириб келди.

— «Ёш ленинчи» рўзномаси муштарийлари номидан вакиламан, — деди у ўзини таништиргач. — Комсомол-ёшларимиз юрагида анчагина гаплар тўпланиб қолган. Улар ўз дард-ташвишларини сизлар билан ўртоқлашишмоқчи.

Шу тариқа рўзнома ходимлари навбатдаги сафарини Балиқчи ноҳияси томон белгилашни, йигит-қизлар билан юзма-юз мулоқот қилишни режалаштирдилар. Мухбиримиз яқинда ноҳияда бўлиб, байрам тараддуди хусусида М. ХАЛИЛОВА билан суҳбатлашди.



Халқнинг меҳрини қозонган Жўраевлар сулоласининг вакили Ҳалим Жўраев тинмай изланишда. Ихлосмандларга манзур бўлгудек куй-қўшиқ яратиш ишқида ёнади. У булбулнинг хонишн, тоғларнинг улуғворлиги, қайнар булоқларнинг шаффофлигини қўшиқларга сингдирмоқчи бўлади. Суюкли хонанда «Ёш ленинчи» байрамида қатнашиш истагини билдирган.

Андижон ноҳиясидаги мусиқа билим юрти муаллими, эл оғзига тушган санъаткор Турсунбой Парпиевнинг қўшиқларини шунчаки тинглаб бўлмайди. У хониш қилганда, қўшиқ сеҳрига берилиб санъаткор билан гоҳ куйинасиз, гоҳ шодланасиз. Бутун вужудингизни ажиб бир ҳиссиёт қамраб олади. Хонандаларнинг қўшиқларидан завқ олмоқчи бўлсангиз, Балиқчига — «Ёш ленинчи» байрамига келинг.



Аъзамжон МИРЗАЖОН суратлари.

— Ишлагандан кейин дам олишни ҳам, ўйнаб-кулишни ҳам билиш керак. Шунда меҳнат унумли, натижа самарали бўлади. Ноҳиямизда шанба-якшанба кунлари бирор-бир тадбирсиз ўтмайди. Мусоҳабанинг бошида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизда шанба ва якшанба дала меҳнаткашлари учун дам олиш куни деб эълон қилинган. Тўғри, пахта йиғим-терим пайтини ғанимат дейишингиз мумкин. Аммо ғўза парвариши кезларида деҳқоннинг кўзига қараб иш тутамиз.

Хайрият, кеч бўлса ҳам қишлоқ аёли тақдири тўғрисида ўйлаш фурсати етди. Хотин-қизларимиз ўртасида «Қизлар гурунги» баҳси анъанага айланган. Беллашувларимиз жумҳурият ойнаи жаҳони орқали намойиш этилди. Ҳар шанба куни эса ноҳия марказидаги А. Тожибоев номли маданият-истироҳат боғида «Қувноқлар ва зукколар» баҳси бўлади. Жамоа шарафи учун курашда ноҳиядаги барча корхоналар ёшлари иштирок этадилар.

Комсомол қўмитамиз қошида аскиячилар гуруҳини тузганмиз. Сирожиддин Манноnов, Ҳусниддин Мирфайзиев, Рустамжон Ҳайитов, Машраб Бозоров, Алишер Ҳаққулов каби сўз усталарининг пайровларини эшитиб, кўзингиздан ёш чиқиб кетгунча куласиз. «Ёш ленинчи» рўзномаси байрамига ҳам улар ажойиб гулдаста тайёрлашаяпти.

Ой булоқ, Уч соҳил дам олиш оромгоҳлари — ёшларимизнинг энг сўлим гўшалари. Биз бу йил ажойиб йўл тутдик. Пахта йиғим-теримидан аввал ҳар бир бригада аъзоларининг оромгоҳларда дам олишини уюштирдик. Мазмунли ҳордиқ унумли ишга омил бўлади-да. Ёшларимиз мамнун бўлишяпти. Яна бир ҳаракатимз бор. Куйбишев номли жамоа хўжалиги ҳудудида 25 гектар майдонда «Ёшлар оромгоҳи» қуряпмиз. Қалқон дарёси бўйида 53 минг сўм сарфлаб ўйингоҳ тиклаяпмиз. Бир сўз билан айтганда, ёшлар учун яна бир совға ҳозирланаётир. Айтгандай, ишларнинг кўпи ҳашар йўли билан бунёд этилмоқда.

«Умид» ижодкорлар клубининг ишлари ҳам қувонарли. Ҳозирда у ноҳиямизда яшаб ижод қилаётган 40 дан зиёд ёшларни бирлаштирди. Давраларимиз, йиғилишларимиз ёш ижодкорларнинг янги шеър ёки ижодий машқ намуналари билан янада сермазмун ўтаяпти.

Ноҳиямизда спортга қизиқиш катта. Бел олиб куч синашиш, кураш тушиш балиқчиликлар учун ота-боболаримиздан қолган мерос. Ахир Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларининг уч карра мутлақ чемпиони Раим полвон Деҳқонов, икки марта чемпион Камол полвон Нуриддинов, бир неча бор жумҳурият беллашувлари ғолиби бўлишган Шаҳобиддин, Барот, Мутал, Эргаш ва Акром полвонларнинг довруғини ким билмайди дейсиз. Ноҳиямиз марказида 1 минг 200 ўринли замонавий ёзги курашхона бор. У шунчаки хўжакўрсинга қурилган эмас. Полвонларнинг севимли жойи «Ёш ленинчи» ва «Ўзбекистон физкультурачиси» рўзномалари байрами кунлари ихлосмандлар яна бир катта кўрикнинг гувоҳи бўладилар.

Кейинги вақтларда ёшларнинг турли мусобақаларини ўтказиш одат тусига кириб қолди. Чунки кўп йиллар спортнинг оммавийлиги ҳақида гапирдигу аммо шуҳрат ортидан қувиб, ҳамма нарсадан кўз юмдик. Унинг оммавийлиги фақат қоғозларда бўлди, холос.

Марҳум Хайрихон Эргашева деган аёл бўларди. Уста пахтакор, дилбар, ширинсухан аёлнинг номи халқимиз қалбига муҳрланиб қолган. Яқинда унинг хотирасини эъзозлаб хотин-қизлар спартакиадасини ўтказдик. Спортнинг 5 тури бўйича беллашувлар қизғин тус олди. Қувонарли томони шундаки биз ана шу тадбирдан сўнг оилавий волейбол командаларини шакллантирдик. Ҳозир Хайрихон Эргашеванинг қизлари ва набираларидан ташкил топган командага тенг келадиганлар бўлмаётир.

«Ижодкор» командасининг рақиби ҳозирча аниқ бўлгани йўқ. Сабаби, жамоа хўжаликлари ёшлари ўртасида саралаш ўйинлари бўлаяпти. Энг кучли команда байрам куни маҳоратини намойиш этади. Демак, «Ижодкор» учун ҳам беллашув осон бўлмайди.

Хуллас, Балиқчида катта байрамга ҳозирлик кўриляпти. Ёшлар ўзларининг севимли рўзномалари билан бўладиган учрашувни орзиқиб кутишаётир.

Суҳбатдош «Ёш ленинчи» мухбири Фозилжон ШОДМОН.

Болалар театрлари анжумани

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИГА БИР НАЗАР

Болаларни адабиётни севишга, гўзалликни асраб — авайлашга одатлантириш уларнинг эстетик тарбиясининг муҳим қирраларидан биридир. Кичкинтойларни мактабда, боғчада, шунингдек машғулотлардан, дарслардан бўш вақтларида эстетик жиҳатдан тарбиялаш воситалари хилма-хил. Ана шундай тарбия йўлларидан бири қўғирчоқ театри ҳисобланади. Театр саҳнасида намойиш этилаётган спектакллар, томошалар жажжилар онгида эзгулик ва яхшиликка ихлос, ёмонлик ва ёвузликка нисбатан нафрат туйғуларини уйғотади, тенгдошларига меҳр — муҳаббат, катталарга ҳурмат билан муомалада бўлишни ўргатади. Айтиш мумкинки жумҳурият қўғирчоқ театри ижодий коллективи ана шу вазифани уддалашга эришмоқда.

Бугунги кунда театр қиёфасини белгиловчи «Качал полвон», «Шўх бўталоқ», «Фотиманинг саргузаштлари», «Рикки-Тикки-Тави», «Сирли най» спектакллари томошабинлар томонидан ижобий кутиб олинмоқда. Турли хилдаги қўғирчоқлар актёрларнинг қалб ҳарорати билан, моҳир қўлларнинг ҳаракати орқали жонланади. Бу жонланиш эса кичкинтойларни ғаройиб ва сирли оламга етаклаб киради.

Ўзбек ва рус группаларининг истеъдодли ёш қўғирчоқбозлари А. Мирзағиёсов, М. Ҳасанова, Э. Карпушенский, Д. Солиев, Г. Усмонова, Т. Седехиналар жажжи қалбларга ўз санъатлари билан завқ-шавқ улашмоқдалар.

Аммо кейинги пайтда театр жамоасини масаланинг бошқа муаммоли томони ташвишга солаётир. Бу томошабин билан боғлиқ масаладир. Жумҳуриятдаги бошқа катталар театри сингари бу ерга келадиганлар сони ҳам аста-секин камайиб бормоқда. Томошабинларни қўғирчоқ театридан нима узоқлаштирмоқда? Томошалар пайтида ўриндиқлар нега бўшаб қолаётир? Айрим мутахассислар ва катта ёшдаги томошабинлар бу саволга «театр ижодий спектаклларни муваффақиятли саҳналаштира олмаяпти», дейишмоқда. Санъаткорлар эса томошабинлар дидига мос, қизиқарли, бадиий жиҳатдан пишиқ асарлар кам деб эътироз билдираётирлар.

Маълумки, қўғирчоқ театрига мўлжалланган асар ёзиш ва саҳнага қўйиш катта ёшдаги томошабинга ҳавола этилаётган асардан ўзига хос қийин томонлари билан ажралиб туради. Унинг мушкуллиги шундаки, аввало шу мавзуда асар ёзаётган драматург болалар руҳиятини ва унинг тарбиясига тегишли томонларининг туб моҳиятини билган ҳолда қизиқарли саргузаштларни қоғозга тушириши керак. Таассуфки, камчилик биргина шулардан иборат эмас. Кейинги пайтда театрга қадам ранжида қилаётган ёш томошабинларнинг савияси, уларнинг спектаклларга муносабати, дунёқарашини ўрганиш, шунга мос ҳолда ижодий иш олиб бориш масаласи унутиб қўйилди. Шунингдек, жажжилар билан учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар олиб бориш, уларнинг томошалар ҳақидаги фикрларини ўрганиш билан мутлақо қизиқилмаётир. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундан иборатки, ҳали ҳам қўғирчоқ театрига паст назар билан қарайдиган ота-оналар орамизда кўплаб топилади. Улар фарзандларини етаклаб қўғирчоқ театрига боришни ўзларига ор биладилар. Бундай ота-оналар санъатни улуғлаш ўрнига, боласининг қалбида уйғонган қизиқишни ҳам чил-чил қилишади. Баъзан боғча ва мактаб болаларини жамоа қилиб театрга олиб боришади. Булар орасида театрга биринчи марта келаётганлари ҳам бор. Улар саҳна кўринишларику, қўғирчоқларнинг ҳаракатини, воқеалар баёнини, унинг ривожланиб бориши тўғрисида дабдурустдан тасаввурга эга бўлолмайди. Улар билан бирга борган тарбиячи болаларнинг ўнлаб саволига жавоб бера олармикан? Бола ўзини қизиқтирган саволига кимдан жавоб олади, бу номаълум. Энг асосийси театрдаги илк қувонч бола кутганидек бўлмади. Иккинчи маротаба театр эшигидан қай кайфиятда киради ва умуман санъат олами уни сеҳрлай олдими? Ҳақиқатда бунинг акси бўлиши керак. Ота ёки она фарзандининг кўп сонли саволларига жавоб қайтарса, бола ўзи учун сирли туюлган барча жумбоқларни англай бошлайди. Яхши нимаю, ёмон нима, ким ҳақу, ким ноҳақ ажратиб олади. Боланинг театр томошаларига меҳр қўйиши ёки ундан кўнгли совиши мана шу биринчи учрашувга, муносабатга боғлиқ. Бола томошадан биринчи галда мароқли завқ олдими, бас у театрни севиб қолади. Келгусида яна томоша кўришга ҳаракат қилади.

Таъкидлаш лозимки, мактаблар, болалар боғчалари педагогик жамоалари ҳам бу масалага жиддий ёндошишлари керак. Улар ижодий жамоа билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйишса, томошабинлардан олдин болаларга воқеа ҳақида гапириб беришса яхши бўларди. Шунда болалар спектаклдаги воқеаларни зийраклик билан кузатишарди ундан завқ олардилар. Тўғри, жумҳурият қўғирчоқ театрининг ижодий жамоаси бу масалага кейинги пайтларда бироз эътибор бермоқда. Мана яқинда театр ўзининг 52-мавсумини мактаблар билан алоқани мустаҳкамлашдан бошлади. Мактабларга боришиб, ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказишди. Аммо бу тадбирлар болаларни театрга қизиқтириш, уларни спектаклдан завқ олишга ўрганиш учун етарли эмас.

Хулоса қилиб айтганда инсон ёшлигидан ҳаётини ҳал қилувчи омил излайди. Шунинг учун ҳам у ёшлигидан кўп ўқийди, эшитади ва изланади. Келажак ҳаётининг шаклланиши у ёқтирган образга жуда кўп томонлама боғлиқ. Ҳеч шубҳасизки, жумҳурият қўғирчоқ театри ўзининг жажжи томошабинларининг бўлғуси ҳаёти учун муносиб роль танлашида, нозик дидли калит бериши билан азиз даргоҳ бўлиб қолади.

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА.



Хабарингиз бор, яқинда шаҳримизнинг барча жойларида болалар китоб байрами кенг нишонланди.

Анжуманга бағишланиб болалар дунёси дўконларида, турли савдо шоҳобчаларида китоб расталари ташкил қилиниши қувончли бўлди.

Турли безакли, ранг-баранг, қизиқарли китоблар болалар учун оламча шодлик, катта бахт деган гап. Шунинг учун бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса, айни муддао бўларди, дейишади болалар.

Суратчи: Даврон АҲМАД.

Йўқолган «Жигули»

ЁКИ ТЎРТ ҲОВУЧ САВОБ ХУСУСИДА КОНКУРС

(Митти фельетон)

ОДАТДА конкурс эълон қилинганда, албатта, пул ёки мукофот ваъда қилинади. Ёппирай, тағин қанақа конкурс бўлиши мумкин, дейишга шошилманг. Шарти аниқ: ғолиб чиққан масъул киши ўз гуноҳининг бир қисмидан маҳрум бўлиб, киссасига тўрт ҳовуч савоб солиб кетади.

Энди воқеа ва шартларни баён қиламиз.

Муқовасига уч дона атиргул «қўндирилган» қўш саҳифали табрикномани келтирган хат ташувчи:

— Ҳов, Зиёдулла ака, қани суюнчидан чўзинг, машиналик бўлибсиз! — деди.

— Хайрият, адолатли замондан айланай, суюнчи бўлса суюнчи-да!

Зиёдулла ака табрикномани қайта-қайта ўқиди.

«Ҳурматли З. Пўлатов!

Сизни қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали меҳнатингизни ва 1984 йилда пахтадан юқори ҳосил етиштирганлигингизни қадрлаб «Жигули» маркали енгил автомашина билан тақдирлаймиз ҳамда муборакбод этамиз.

Халқ депутатлари район Совети Ижроия комитетининг раиси (имзо)

Жамилов.

1985 йил 5 февраль (муҳр)».

Зиёдулла ака бу хатни ҳар куни лоф эмас, етти мартадан ўқидилар. Сўнг ҳафтасига кўчди бу ўқиш, ундан кейин йилига... Бу орада Абдураззоқ ака Жамилов оламдан ўтиб кетдилар. Бироқ табрикномани ёзиб, имзога ҳозирлаганлар, худо умрларини берсин, соғ-саломат юрибдилар. «Жигули» эса йўқолиб кетди.

Зиёдулла ака ижроқўмга, ноҳия фирқа қўмитасига қатнайвериб чарчадилар. Бундай сарсон-саргардонлар жумҳуриятда озми, ҳар бирининг мушкули хусусида фелъетон ёзилаверса қоғоз қоладими, дейишингиз аниқ. Шу боис сизни Зиёдулла ака билан таништирайлик.

У киши 40 йилдан бери Жомбой ноҳиясидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигида ишлайдилар. Шу даврда икки кўзлари хасталанди, жарроҳлар аралашувидан кейин ҳам барибир биллур ойнакка қолди кун. Иккинчи группа ногиронисиз деб қўлларига қоғоз тутқазилди. Аммо даладан безмади бу инсон. Биргина ўтган йили 6 гектарда пахта ундириб, 27 центнердан ҳосил кўтарди. Ўзи билан ёнма-ён умр йўлдоши ҳам даладан чиқмади. Бу йил инкубация очиб пилла қурти уруғини кўпайтиришди. Сўнг пилла қурти боқишди. План икки ҳисса бўлди. Жамоа хўжалиги правлениеси Жомбой ижроқўмига хат йўллади: «Колхоз правлениеси сиздан ўтиниб сўрайдики, Пўлатов Зиёдулланинг кўп йиллик самарали меҳнатларини ҳисобга олиб битта енгил автомашина (сотиб олиш учун) ажратсангизлар!». Балки, ажратишгандур? Балки буниси ҳам йўқолиб кетгандур? Конкурс шарти ана шу саволларга аниқ жавоб ва йўқолган машинани топишдан иборат.

Конкурсда:

1. Умрзоқ Турсунов — Самарқанд вилояти халқ назорати қўмитаси раиси.
2. Ўткир Нуруллаев — вилоят режалаштириш қўмитаси раиси.
3. Амин Сатторов — Жомбой ноҳия кенгаши раиси.
4. Нурилла Исмоилов — ноҳия ижроқўми раиси.
5. Эркин Қўзиев — ноҳия ижроқўми раисининг ўринбосари (машина талашэ, узр тақсимлаш ишлари бўйича) қатнашадилар.

Конкурс ушбу фельетон эълон қилинган кундан кейин бир ой ичида якунланади. Ғолиблар топилмаса, у ҳолда умумхалқ конкурси ўтказилади.

Конкурс ҳайъати аъзоси ва раиси

Жаҳонгир МУҲАММАД.

ТВ

27 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ 1

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. Ўсимликлар. Уларнинг мавсумий ўзгаришлари. 12.00 «Ишлар қалай, раис». Телефильм. 12.30 Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё маданияти. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Меҳрибон одамлар орасида» Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Фанга бағишланган умр». Профессор Г. Ҳидоятов. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 18.45 «Алиса мўъжизалар мамлакатида. Мультфильм. 1-серия. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот». (рус тилида). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Камолот сари». Абдулла Тиллаев. 21.30 «Ахборот». 21.50 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

МТ 1

6.00 «120 минут». 8.05 «Энг каттаси». Мультфильм. 8.25 «Пари бўсаси». И. Стравинский мусиқаси асосида фильм-балет. 9.10 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 10.05 Бурятия АССР Давлат «Байкал» ашула ва рақс дастасининг концерти. 10.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.50 Коллаж. 12.00 «Вақт».

* * *

16.00 Болалар учун фильм. «Шок ва Шер» («Қозоқфильм»). 17.00 «Томошабинлар меҳри совринн» кинофестивали. «Хорда куйловчилар». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.00 «Вақт». 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 14-серия. 20.30 «Вақт». 21.00 «Кинопанорама». 22.30 «ТСН».

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. 23582.